

“ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ ВА ИҚТИСОДИЁТИ”

фанидан ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тузувчилар: доц. Сабирджанова Д.К.,
доц. Ибрагимов П.

Такризчилар: проф. Ш.Зайнутдинов,
доц. Ш.Г. Туляганова.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаб, «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этиш мақсадида ўқув режалари, дастурлари, дарсликларнинг янги авлодини яратишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялашни ҳамда янги турдаги таълим муассасаларини ташкил этишни амалга оширмоқда.

Ушбу фан дастури магистрантларни ўқитишга мўлжалланган бўлиб, унда бошқаришнинг илмий асослари, бошқарув психологияси, педагогикаси, Олий таълимни бошқариш структураси ва тизимини, ДТС асосида таълимни режалаштириш ва лойиҳалаштириш, Олий таълимни молиялаштириш ва маркетинг масалалари кўриб чиқилади.

Эти основные положения особенно важны для высшего образования при решении цели и задач, определенных законами Республики Узбекистан «Об образовании» и «О национальной программе по подготовке кадров». Для эффективного управления в сфере высшего образования необходимо партнерство между лицами ответственными за разработку и реализацию образовательной политики на национальном и институциональном уровне, между профессорско - преподавательским составом и магистрантами, сферой труда, вузами и обществом.

Настоящая показательная программа предназначена для магистрантов, изучающих предмет «Менеджмент и экономика высшего образования», где рассматриваются научные основы управления, управленческая психология, педагогика, этика, а также управление высшим образованием и другие вопросы.

Все это дает возможность подготовить высоко квалифицированные национальные кадры для Узбекистана.

These basic rules are especially important for sphere of higher education at the decision of the purposes and tasks determined by the laws of Republic of Uzbekistan, "About formation(education) " and " About the normal program on training of personnel". For active management in sphere of all formation(education) the partnership between the persons responsible(crucial) for development and realization of educational policy(politics) on nominal and a level, between Профессорско - teaching structure and магистрантами, sphere of work, high schools and society(community) is necessary.

The present indicative program is intended for магистрантам studying a subject "Management and economy of high formation(education)", where the administrative psychology, pedagogics ethics and also management of maximum formation(education) and other questions is considered(examined) new bases of management. All these enable to prepare the competent national staff for Uzbekistans.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома)

1. СЎЗ БОШИ

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарабини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу мақсадлар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўз аксини топган. Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг энг асосий мазмун - моҳияти Давлат таълим стандарти ҳисобланиб, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 августдаги 343 - сонли қарорида баён этилган.

Республикамиз иқтисодиётининг малакали миллий кадрларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда тузиб чиқилган Давлат таълим стандартларига киритилган «Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти» фани магистрантларнинг иқтисодий илмини, уларнинг бозор иқтисодиёти жараёнидаги замонавий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Ушбу дастур барча мутахассисликлар бўйича таълим олаётган магистрлар учун мўлжалланган. Дастурда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида олий таълимни тартибга солиш ва бошқариш хусусиятлари, ривожланишнинг истикбол тенденциялари ёритиб берилган.

«Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти» курсини ўрганишдан мақсад магистрларда олий таълимни бошқаришда зарур бўлган замонавий андозаларга жавоб берадиган билимларни мустаҳкамлашга ҳамда назарий - амалий профессионал билимларни шакллантиришга қаратилган.

Мазкур фанни ўрганиш вазифаси қуйидагилардан иборат:

- олий таълимни бошқариш борасидаги давлат сиёсатининг моҳияти, мазмуни ва хусусиятларини ўрганиш;

- олий таълимни бошқаришни ҳуқуқий - меъёрий асослари бўйича назарий билимга ва амалий кўникмаларга эга бўлиш;
- молия - бюджет, солиқ ва нарх сиёсатининг ролларини аниқлаб бериш;
- шаклланган ижтимоий ва профессионал тажриба асосида битирувчиларнинг узлуксиз таълим тизими моҳиятини ўрганиш;
- тартибга солиш услубиятини ва миллий тизимдаги «Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти» асосларини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш.

Мазкур фан иқтисодий назария, макроиқтисодиёт, статистика, ҳуқуқ фанларидан берилган назарий билимларга тўлиқ асосланди. Шунингдек, социология, психология ва меҳнат физиологияси олий бошқарув муаммоларини ишлаб чиқишда катта роль ўйнайди.

Фанни ўқитиш бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва маҳоратига қўйиладиган талаблар

а) билиши керак:

- олий таълим хусусиятлари ва уни бошқаришнинг назарий асослари;
- шу соҳани бошқаришда давлатнинг роли;
- Республикада олиб борилаётган олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари;
- Республикада олий таълимни молиялаштириш хусусиятлари;
- олий таълимни ривожлантиришнинг давлат таълим андозаларини (стандартларини).

б) бажариши лозим:

- жамиятни демократлаштириш борасида халқаро тажрибани ўқиш, ўрганиш;
- умуминсоният бойликларини асраб, улардан оқилона, бозор муносабатларига мослаштириб фойдаланиш;
- Республикада олиб борилаётган кадрларни тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш.

в) тасаввурга эга бўлиши лозим:

- масофадан ўқитишнинг афзалликлари ва хусусиятлари тўғрисида;
- мутахассисларга бўлган талабни аниқлаш услуби тўғрисида;
- мутахассисларга бўлган талабни қондириш ҳисоб - китоблари ҳақида;
- хорижий мамлакатларда олий таълим тажрибаси тўғрисида.

Амалий ва семинар машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар максимал миқдорига талаблар

Амалий ва семинар машғулот мавзулари намунавий дастур асосида белгиланиб, ҳар бир мавзуга киритилган саволлар ва тавсия қилинган адабиётлар рўйхати билан бирга алоҳида услубий қўлланма шаклида тавсия этилади. Магистрантлар амалий машғулотларга уларга тавсия этилган мавзулар бўйича тайёргарлик кўриб, ўзининг фикр ва мулоҳазаларини илмий асосда рефератларда ёзиб кўрсатадилар ва ҳимоя қиладилар. Семинар машғулотларида ўтказиладиган муаммоли дарс мавзуларига берилган семинар саволларига тавсия этилган адабиётлар асосида тайёргарлик кўриб, ўзларининг фикрларини ёқлаб сўзга чиқадиладар.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Олий таълимнинг Давлат стандартларида мазкур курсга 40 соат ҳажмида вақт ажратилган. Уларнинг 20 (50 фоизи) соати маъруза, 10 (25 фоизи) соат амалий ва 10 (25 фоизи) соати семинар машғулот дарслари режалаштирилган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Фан бўйича магистрлар билимини баҳолаб бориш рейтинг тизими асосида амалга оширилади. Ўқув режасида фанга ажратилган соат юкламасидан келиб чиқиб, аниқланадиган рейтинг баллари (40) назоратнинг алоҳида турларига қуйидаги тартибда тақсимланади:

- - жорий назоратга амалий ва семинар машғулотларига ажратилган соат юкламасининг 70% (14 балл);
- - оралик назоратга маъруза дарсларига ажратилган соат юкламасининг 70% (14 балл);
- - якуний назоратга ўқув соат юкламасининг 30% (12 балл).

Жорий назорат учун ажартиладиган рейтинг баллари талабаларнинг семинар дарсидаги фаоллиги, илмий реферат тайёрланганлиги ва бошқа

режалаштирилган ишларни (мустақил иш бажариш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва ҳ.к) бажарганлиги учун қўйиб борилади.

Оралиқ баҳолашда талабаларнинг маъруза дарсларидаги фаоллиги ҳисобга олинади, ҳамда икки марта оралиқ назорат (ёзма иш, тест ёки назоратнинг бошқа тури) ўтказилиб уларга тегишли балл ажратилади.

Яқуний баҳолаш баллари талабаларнинг таянч сўз ва иборалари бўйича бажарган ёзма иши учун қўйилади.

Компьютер, ахборот ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларни қўллаш

«Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти» курсини ўқитишда илғор педагогик технологиянинг қуйидаги турлари ишлатилади:

- - фан мазмунини кўрсатувчи кўргазмали альбомлардан фойдаланиш;
- - маъруза матндаги шаклий ва рақамли маълумотларни кафедра профессор - ўқитувчилари томонидан олдиндан тайёрлаб, гуруҳ талабаларига тарқатиш. Бу усул ўқитувчининг вақтини тежаб, талабаларни ортиқча қзишдан озод этади;
- - тест саволларини тузиш;
- - «таянч» ибораларни ишлаб чиқиб, талабалар томонидан уларни мукамал ўзлаштиришни таъминлаш;
- - талабалар учун айрим мавзулар бўйича маърузаларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятини бошқарадиган юқори ташкилотлар маъсул мутахассислари томонидан ўтишини таъминлаш;
- - масофавий ўқитишни ташкил этиш каби компьютерда бажариладиган дастурлардан фойдаланиш;
- - талабаларга хорижий унверситетлар профессорлари томонидан қзилган айрим маърузаларни ўқиб, телеэкран орқали намойиш этиш ва бошқалар.

Фанга тааллуқли ИНТЕРНЕТ хизматида мавжуд бўлган сайтлар рўйхати:

1. www.cer.uz
2. www.referat.uz
3. <http://can.naytov.com>
4. www.plekhanov.ru
5. www.litera.ru

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

«Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти» курси магистратурадаги барча йўналишларнинг 1 - курсида ўқув йилининг иккинчи ярим йиллигида ўқитилиб, оралиқ ва жорий баҳолашиб, ўқув жараёнини охирида якуний баҳолаш билан тугалланади.

Улар маъруза дарслари, амалий ва семинар машғулотида ўз билимларини мустаҳкамлаб, олган билим ва кўникмалари асосида магистратуранинг иккинчи ўқув йилида олган билимлари асосида диссертация ишларини ёзадилар.

«Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти» фан дастурига шу соҳанинг таниқли мутахассислари томонидан ёзилган дарсликлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари асос қилиб олинган иқтисодий муносабатлар, жумладан, бозор фаолиятига оид фикрлар, кўрсатмаларни тегишли мавзуларда ишлатиш, маҳкамаси бозор фаолиятига тааллуқли ўқув қўлланмаларидан фойдаланилади, ҳар бир мавзу бўйича жадвал, чизма ва графиклар тайёрлаб, дарсда кўргазмани қурол шаклида ишлатилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Бошқаришнинг илмий асослари

Бошқаришнинг илмий қамровлигини асосий моҳияти. Бошқариш фаолияти, унинг тамойиллари, шакллари ва замонавий амалга оширилиши. Одамзоднинг фан - техника, иқтисодий ва ижтимоий ютуқларни ошириши натижасида бошқариш фаолиятининг илмий қамровлиги. Бошқаришнинг янги йўналишлари татбиқ этилиши. Инсон хатти - ҳаракатлари асосида онгли равишда самарали бошқариш.

Назарий ва амалий бошқарув фаолиятида менежер модели қўйидагиларни назарда тутати: у юқори заковатли, тизимлаштирилган

биологик сифатларга эга бўлган шахс бўлиб, унда физик, маънавий интеллектual ва интилувчанлик хусусиятлари мавжуд. Инсоншунослик ваколоти - менежернинг тизимлашган ва адаптациялашган бошқарув фаолиятига назарий ва амалий тайёргарлиги ҳамда унинг антропологик билимга эгаллиги.

Бошқарув стратегияси қуйидаги вазифаларни амалга оширишга асосланади: стратегик шаклланишни олдиндан кўра билиш, йўналишни истиқболли ва аниқ масъулиятлилиги; аниқ мақсад ва вазифалар масъулиятини ўзгартирмоқ; қабул қилинган ишнинг пировардини баҳолаш.

Бошқарув психологияси

Шахснинг индивидуал - психологик (руҳий) сифати. Одамларни билиш - раҳбарнинг «малакали билимдонлигининг» кўрсаткичи ҳисобланади. Индивидуаллик - бу шахс хатти - ҳаракатини тақазо этувчи ва фаолиятнинг аниқ турларига мос келувчи хусусиятдир. Бу шахснинг биосоциал хусусиятлари, унинг такрорланмаслигидир. Шахснинг ижтимоий психологик сифати. Ижтимоий ҳис туйғулар кишиларнинг моддий ва маънавий қониқиши (қониқмаслиги), ижтимоий муносабатлардаги талаблари, шунингдек инсонларнинг муайян гуруҳга мансублиги.

Қадрият мўлжаллари - мақсад ёки талабини қондириш воситаси бўлган ёки маънавий неъматларга шахснинг танлаб муносабатда бўлиши.

Ижтимоий кўрсатма - руҳиятнинг, шахснинг ахборотни қабул қилиш омили ва унга муносабати.

Шахснинг «Маънавий - жамғармаси» фундаментал ахлоқий қадриятларга асосланувчи илмий дунёқарашидир.

Меҳнатни рағбатлантиришнинг психологик асослари, инсонларни онгига таъсир ўтказиш, яъни психологик механизм меҳнатга рағбатлантиришда биринчи ўринда туради: асосий эҳтиёжи ва қизиқишларни қондириш механизми, интилиш ва мақсадларнинг бир - бирига боғлиқлиги механизми.

Эҳтиёж ва қизиқишлар инсонларни ҳаракат қилишга чақиради, уларнинг ҳаракатларини мақсадли ва маълум бир йўналишини таъминлайди.

Бошқарув педагогикаси ва этикаси

Педагогик йўналиш ва раҳбарлик фаолияти. Исталган раҳбарга психологик билимлар билан бирга маълум бир педагогик билимлар керак. Тарбия жараёнида раҳбар педагогик вазифаларни: ақлий ривожланганлик, хулқ атворлик, мурожаат қилиш қулайлиги.

Меҳнат жамоасининг шахсга ижтимоий таъсир этувчи сифатида. Меҳнат жамоасида тарбияланиш - профессионаллик, ҳуқуқий ахлоқий ва эстетикликка эга бўлиш.

Бошқарув этикаси - хўжалик ва маъмурий функцияларни сифатли бажарилишига йўналтирилган назарий этик билимлар ва амалий маслаҳатлар тизимини ўз ичига олади. Назарий - фундаментал этик ва тажрибали йўл - йўриқ кўрсатиш бошқарув этикаси тизимида.

Шахсининг, жамоанинг маънавий соғломлиги. Жамоа фаолиятининг натижаси нафақат раҳбарининг ахлоқий хусусиятларига, балки ҳар бир ходимнинг ва жамоанинг умумий ахлоқий соғломлигига боғлиқлиги; жамоа фаолиятининг натижаси; тушунган ҳолдаги меҳнат интизоми; маънавий ёқимлилиги.

Олий таълим таркиби ва бошқарув тизими

Олий таълим тизимининг мақсади ва вазифалари: Давлат таълим стандартларига мос ҳолда замонавий таълим - мутахассислик дастурлари асосида рақобатлаша оладиган кадрлар тайёрлаш ва сифатли таълим беришни таъминлаш; юқори малакали илмий - педагогик кадрлар тайёрлаш, шу жиҳатдан, чет эл ўқув ва илмий марказларига.; иқтисод ва маданий, техника ва технологиялар, илм - фаннинг замонавий ютуқларидан, жамият эҳтиёжларидан, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши истикболларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш услуги ва ташкилотини мунтазам равишда мукамаллаштириб бориш; ўқитишни индивидуаллаштириш, масофали таълим бериш воситаларини, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш; олий таълимни мурувватли йўналишини таъминлаш ва ёшларни миллий тикланиш ғояси асосида ва умуминсоний бойликларни ҳис этиб, мустақиллик ғояларига содиқлик. Ватанга, оилага ва атроф - муҳитга (табиатга) муҳаббат руҳида тарбиялаш; ишлаб чиқариш, фан - техника ва таълим интеграцияси ҳаракат механизмларини амалиётга жорий этиш; тараққий этган мамлакатлар билан олий таълим соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш.

Олий таълимни бошқариш даражаси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси; таълимни бошқаришда ижро этувчи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Олий ўқув юрти.

Олий таълимни бошқарув тизимини марказлашган ва марказлашмаганлиги. Таълимни лойиҳалаштириш, режалаштиришда ДТСни янги шакли сифатида. ДТС ишлаб чиқаришнинг асосий тамойиллари - гуманитарлаш ва инсонпарварлаштириш; фундаментациялаш; умумтаълим

ва малакали тайёрлов; таълим - малакавий дастурни сафарбар қилиш; ўз ўзини ўқитиш қобилиятини ривожлантириш; кўп даражали сифат назорати.

Таълим сифатини бошқариш

Кадрлар билимлари сифати ва мутахассисликка тайёргарлигига таъсир этувчи омиллар. Кадрларни ўқитиш сифати ва мутахассисликка тайёргарлиги қуйидагиларни ўз ичига олади: инсонлар; технологиялар; материал - техника таъминоти; меъёрий - ҳуқуқий ва илмий услубий таъминоти; стимул ва мотивлар; ташқи таъсирлар.

Ўқув муассасаларнинг аттестацияси ва аккредитацияси. Ўқув муассасаларини аккредитацияси - бу ўқув муассасаларини баҳолаш ва тасдиқлаш тизимидир, шунингдек улар томонидан тақдим этилаётган ўқитиш даражаси тўлалиги, мазмуни ва сифати бўйича тайёрлаш дастурларни тасдиқлайди. Аккредитация ҳолисона ва мажбурий бўлиши мумкин. Ўқув муассасаларига аккредитацияланган статус қуйидагиларни беради: аккредитация статусини олган ўқув муассасаси ҳукумат томонидан молиявий ёрдамни олиш имконияти бор бўлади; ўқув муассасасининг аккредитациялангани ўқитишда банд бўлган субъектларга ўзининг таъсирини кўрсатади: бошқарувчиларга, профессор - ўқитувчилик тузилмасига ва ўқувчиларга аккредитив қарор иш берувчи ва иш олувчи ўртасидаги «кўприк» бўлиб ҳисоланади.

Ташқи аттестация ва ўзини - ўзи аттестация қилиш мазмуни. Ташқи аттестация бу миллий масштабда ўқув стандартларини бажарилиши нуқтаи назаридан ўқув муассасалари фаолиятига баҳо беришдир. Умумий бошқариш сифати тизими қуйидаги фаолият турларига боғлиқ: сифатни режалаштириш; сифатда ўзаро боғлиқликни ўрганиш; сифатни назорат қилиш; таълим жараёнида энг асосий камчиликларни очиб ташлаш ва жараённи доимо такомиллаштириш, инфратузилмани яратиш сифатни яхшилашни кўзда тутаяди. Таълим жараёнини яхшилашга қаратилган бригадаларни тузиш, ҳар бир ташаббускорликни жорий этишга киришиш, мақсадлашган ишчи гуруҳи билан таъминлаш, мақсадга эришганларни назорат қилиш, ишчи гуруҳларни ўқитилишини бир хилда таъминлаш.

Жараённи стандартли тартибга келтириш ва тартибли ўзлаштиришни тезлаштириш.

Бошқарув тамойиллари ва механизми

Таълимни бошқаришнинг асосий тамойиллари: фаолиятни тизимли режалаштириш, бошқарувнинг ўзгарувчанлиги, бир - бирини тушуниш ва

хамфикрлилик, команда ҳамкорлиги. Буюртмачи талабларини бажариш, ижобий фикрлаш ва қулай шароит ваколатларни бериш.

Раҳбар ва ҳокимият. Таъсир этиш воситаси сифатида (Френг ва Рейвека квалификацияси бўйича) ҳокимият беш асосий шакллардан иборат: мажбурлашга асосланган, мукофотлашга асосланган, эксперт, эталон, раҳбариятга бўйсунуш анъанасига асосланган қонуний ҳокимиятлар.

Ҳар қандай тоифадаги раҳбарлик, аввало, иш вақтини тўғри тақсимлаш, ишни унумли ташкил қилиш ва энг яхши натижаларга эришишдир.

Бошқарув механизми. Ишонч бошқарувнинг асоси сифатида. Ишонч масъулияти ўз ичига тўртта ҳолатни олади: маълумот бериш, тушунтириш, исботлаш, инкор этиш.

Бўйсунувчилар билан муносабатлар. Мотивлаштириш ва унинг таркиби. Мотивлар ички, ташқи ва эмоционал кайфият сифатида бўлади.

Ички мотивларга: ўзликни намоён қилиш, шахсий ахлоқ, ўз ўзини бошқариш. Ташқи мотивлар: моддий рағбатлантириш, мансабда кўтарилиш, маънавий рағбатлантириш, мажбурлов чоралари. Жамоанинг эмоционал кайфияти - ошкорлик ва ахборорлилик, мажбуриятларни аниқ ва мақсадга мувофиқ тақсимланиши, жамоанинг ҳар бир аъзоси мақсадни аниқ тушунтириш, режалаштиришда иштирок этиши, энг яхши меҳнат ҳар доим мукофотланишини билиш, раҳбарлар томонидан аниқ ташкил қилиш ва бошқариш жараёни. назорат, бу бошқаришнинг муҳим омили. Тизимли назорат ва ўзига - ўзи баҳо бериш.

Ўқув - тарбиявий жарағнда ўзини - ўзи назорат қилиш бошқарувнинг механизми сифатида

Ўқув - тарбиявий жарағни (компоненти) мажмуаси - илмий - педагогик кадрлардан, ўқитилаётганлар, ресурслардан ташкил топади. Ҳозирги замон ўқитувчисининг модели миллий кадрлар тайғрлаш дастурига биноан шаклланади. Ҳозирги замон ўқитувчисининг муваффақияти кўйидаги «суянчиқ нуқталарга» боғлиқ: ўқитувчининг малакаси, унинг маданияти ва маънавияти; ўқитувчининг талаба оладиган билимлар савияси ва малакаси учун жавобгарлиги; талабаларни иқтисодий ва ижтимоий томондан талабаларни қўллаб - қувватлаш.

Ресурсларга талаблар. Ўқув жарағни ресурсларини ривожланиши. Бюджет ва нобюджет манбалари орқали кўп вариантли молиялаштиришни режалаштириш. Талабаларга таълим кредитлари бериш. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси.

Ўзини - ўзи назорат қилиш ўқув - тарбиявий жарағни мажмуаси. Ўқитувчи - педагогик кадрларни баҳолаш тамойиллари. Ўқитувчи - педагогик кадрларни ўзини - ўзи назорат қилиш механизми. Тасис дастури асосида ўқитувчи - педагогик кадрларни сўров йўли орқали ўзини - ўзи аттестация қилиш механизми. Ўқиғганлар ва уларнинг ота - оналарини сўровдан ўтказиш. Ўзини - ўзи назорати таълим муассасаларини такомиллаштириш асоси сифатида. Ўқув жарағни сифатини ошириш билан боғлиқ таълим муассасасининг тараққиғт режасини ишлаб чиқиш.

Олий ўқув юртларида таълим - тарбия жарағини бошқариш асослари
Ўқув - тарбиявий жарағнларни лойихалаштириш (ЎТЖ).
Ташкиллаштириш режаси бўйича ўқув - тарбиявий жарағн икки асосий босқичга бўлинади: тадқиқот - изланишлари ва лойихалаштириш; амалга ошириш ва назорат қилиш. Тадқиқот - изланишлар таркибини башоратлашда талабга эҳтиғж, малака талабларини белгилаш, ушбу талабларни имкон қадар ўрганиб рақобатбардошлик даражасида амалга ошириш. ЎТЖнинг ўқув - услубий ва меъғрий - ҳуқуқий базасини ташкил этувчи ўзаро боғлиқ ва ўзаро келишув асосидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ЎТЖ ни лойихалаш.

ЎТЖ ни бошқарув механизми. Педагогик мулоқот ва педагогик бошқарув усули. Мотивлаштириш мувафакқиятли ўқув фаолияти асоси сифатида. Ўзига - ўзи таълим беришни бошқариш, ўзини - ўзи ривожлантириш ва долзарблигини ошириш.

Мустақил таълим олишни бошқариш асосан икки хил йўналиш асосида амалга оширилади: мустақил иш ва индивидуал иш тарзида. Мустақил ўрганиш қуйидаги шакллар асосида ташкил этилади.

Фаннинг мазуларини ёки бўлимларини ўқув китоблари ёки ўқув қўлланмалари орқали ўзлаштириш, автоматлаштирилган ўқув ва назорат тизими орқали ишлаш; фанларнинг мавзулари ёки бўлимлари устида ишлаш: ҳисоб - китоб ва графикли масалаларни ёки рефератларни, курс иши ёки битирув малакавий ишларни бажариш; малакавий амалиғтга киришда янги техника, усқуналар ва фан жарағнлари ва технологияларни ўрганиш; ўқитувчилар, мутахассислар раҳбарлигида кичик - кичик корхоналарда назарий ва амалий - ишларни ташкил этиш; талабаларнинг илмий изланиш ишларининг бажарилиши билан боғлиқ фанларни ёки бўлимларни ўрганишни чуқурлаштириш; ўқитишнинг фаол услубларидан фойдаланган ҳолда, ўқув машғулотларини ташкил этиш; масофадан туриб ўқитишни ташкиллаштириш ва ундан кенг фойдаланиш.

ЎТЖ назорати. Берилган топшириқларга қараб назорат - жорий, оралик ва якунийдир. Назоратларни қўллашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: , қзма ғки тест назорати.

Талабаларни ўқув фаолияти назорати ва ўқув услубий режалаштирилганлиги билан таъминланиш назорати матрица режасидалиги.

Керакли ўқув ва услубий материаллар билан таъминланганлиги - ўқув адабиётлари, семинар машғулоти учун ўқув қўлланмалар ва маъруза матнлари: маъруза материаллари ва амалий машғулоти учун назорат иши даражаси ва тартиби; экспресс назорат - материаллари; мустақил таълим олиш даражаси; уй вазифаларини бажариш учун услубий қўлланмалар, курс ишлари.

Олий таълим тизимини молиялаштириш

Олий мактаб иқтисодиёти. Олий ўқув юрти иқтисодиётини мустақиллиги - бу олий ўқув юрти ишлаб чиқараётган, тайёрланаётган маҳсулотларини тан олиш.

Олий ўқув юртиларининг молиявий маблағлари ва унинг манбаалари - давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 414 - сонли «Бюджет ташкилотларини молиялаштиришни такомиллаштириш» ҳақидаги қарори мавжуд.

Олий ўқув юртининг бюджет тизими қуйидаги тамойилларда кўрилади - ички молиявий тушумнинг услубий ягоналиги; даромад ва харажатлар ҳисоботини тўлиқлиги; ошкорлик; раҳбарлар даражаси бўйича бюджет ваколатларини тақсимлаш.

Бюджет тушуми 3 даражага ажратилади: умумий олий ўқув юртилари; алоҳида бўлинмалар даражаси; алоҳида ишлар, алоҳида объектлар даражаси.

Олий ўқув юртиларининг бюджетдан ташқари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ресурсларга бўлган эҳтиёжининг структураси: пуллик таълим хизмати; илмий ишлаб чиқариш фаолияти; тижорат фаолияти; ҳомийлик фаолияти. Олий ўқув юртилари хайрия кенгашларини ривожлантириш фонди.

Ҳорижий мамлакатларда олий таълим муассасаларини молиялаштириш тизими. Олий таълим муассасалари турли йўл ва воситалар ёрдамида тижорат йўналишларидаги ишлар билан ҳам шуғулланишлари мумкин: университетларнинг ер майдонлари ва заллари, турли хил конференция, маъруза, илмий тадқиқот намоишлари ва бошқа шу хил тадбирларни ўтказиш; университетнинг илмий - педагогик имконияти ва салоҳиятидан, ер

майдонларидан фойдаланиш, иш курувчи фирмалар ташкил қилиш; Олий таълим маскани мутахассис муаллимлари иштирокида турли хил тижорат компанияларига маслаҳат хизматини йўлга қўйиш; аҳолига қўшимча маънавий хизматлар кўрсатиш.

Олий таълим иқтисодини ривожланиши ишнинг умумжаҳон ғояси.

Олий таълим тизимида маркетинг

Маркетинг тизимида маълумот олиш - бу асосий натижалар иқтисодий дастурларига асосланган бозорни комплекс ўрганишни яқунловчи босқичи. Башорат қилиш билан режалаштириш ўртасида ички алоқа ўрнатиш асосий масаласи. Башорат қилиш такомиллашган режаларни кўпинча бир - бирига узвий боғлиқлигини аниқлайди. Илмий башоратларни баҳс мунозара қилиш иқтисодиётнинг ривожлантириш режасини таркиб топишига олиб келади. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун қуйидагиларни таърифлаш керак: таълим бозори эҳтиёжлари; таълим соҳасидаги хизматларни асосий йўналишлари ва уларга талаб; моддий - техник, молиявий ва касбий база; ишлаб чиқаришга мўлжални олиш имконияти; мол ва хизматларнинг нархлари, улардан тушган даромадларни баҳолаш.

Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни башоратли асослари. Башоратлашни методологик асоси бўлиб базавий ёндашувлар қуйидагилар асосида башоратланади - меъёр ва меъёрий ҳужжатлар; иқтисодий ва бандликни таркибий ўзгаришлар; техник иқтисодий кўрсаткичлар ўлчов ғоясида. Башорат бўйича 10 - 15 йиллар мобайнида сезиларли тенденциялар: иқтисодиётни муҳим тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш динамикаси кучайиши, алоҳида саноатники; бандлик таркибида бўлаётган ва кутилаётган ўзгаришлар; хусусийлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига хўжалик субъектларини ошириш; мудофаа ишлаб чиқаришларни конверциялаш ва улар асосида фуқарони ишлаб чиқаришни пайдо бўлиши; ишлаб чиқаришни қайта техник жиҳозлаш.

Техника - иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши тенденция асосида башоратлаш. Башоратлаш модели бир неча блокларни ўз ичига олади - иқтисодиёт ҳолатини баҳолаш; таркибий қайта қуриш йўналиши таҳлили асосида кутилаётган иқтисодий ривожланиш дастури; кутилаётган капитал маблағ ҳажми; ҳар хил котегориядаги ишчилар бандлиги динамикаси; сони ва таркиби жиҳатидан ишчиларни ишдан бўшатишни камайтириш; кутилаётган демографик ўзгаришлар.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

Бошқарув психологияси

Шахснинг индивидуал - психологик (рухий) сифати. Кишиларнинг қониқиш классификацияси. Темперамент турлари: сангвиник, флегматик, холерик, меленхолик. Шахс характерининг умумий хусусиятлари.

Шахснинг ижтимоий - психологик сифати: ижтимоий ҳис - туйғу, қадрият мўлжаллари, ижтимоий кўрсатма, интилиш - қутиш, стереотиплар, шахснинг «маънавий жамғармаси».

Меҳнатни рағбатлантиришнинг психологик асослари. Меҳнатга психологик рағбат. Эҳтиёж ва эътибор. Инсонларни шахсий рағбатини аниқлашнинг асосий омиллари.*

Олий таълимни бошқаришни таркиби ва тизими

Олий таълим тизимини мақсади ва вазифалари. Олий таълим тизимининг асосий вазифалари.*

Олий таълимни бошқариш даражаси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат томонидан таълимни бошқариши учун вакил қилинган.

Олий таълимни бошқариш тизими: марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган. Бошқариш тизимини афзаллиги ва камчилигининг характерли белгилари.

Бошқарув механизми ва тамойили

Бошқарув тамойили. Таълимни бошқариш тамойили ва услуби. Ижодий ёндашув тамойили. Фаолиятни системали режалаш тамойили. Бошқарувнинг юмшоқ услубий тамойили. Ўзаро тушуниш ва фикрлаш тамойили. Жамоа ҳамкорлик тамойили. Буюртмачига мослашиш тамойили. Ижобий фикрлаш ва шароит тамойили. Ваколатларни бериш тамойили.

Бошқарув услуби: автократик, бюрократик, демократик. Раҳбар ва ҳокимият. Мажбуриятга асосланган ҳокимият - қўрқитиш орқали таъсир этиш. Муқофотга асосланган ҳокимият - рағбатлантириш орқали. Эксперт ҳокимият. Намунали ҳокимият - раҳбарнинг шахсий хусусиятига асосланган тарзда. Раҳбарнинг бўйсунуш андозасига асосланган ҳокимият. Бошқарув

механизмлари: ишонтириш бошқарув асоси сифатида, бўйсунувчилар билан ўзаро муносабатлари, мотивлаш, назорат.

Олий ўқув юртларида ўқув - тарбиявий жараёни бошқариш асослари

Ўқув - тарбиявий жараёни лойиҳалаштириш: таснифловчи йўналишлар ва олий таълим мутахассисликлари, бажарилиши шарт бўлган минимум мазмуни ва маълум йўналиш бўйича бакалаврлар ёки магистрлар тайёрлаш даражасига қўйиладиган талаблар, намунавий ўқув режаси, ўқув фанларининг намунавий дастурлари, фанларнинг ўқув режаларини ўқув - услубий жиҳатдан таъминлаш, аудитория машғулоти жадвали.

Ўқув - тарбиявий жараёни бошқариш механизми. Педагогик мулоқот ва педагогик бошқарувнинг услуби. Мотивлаш - муваффақиятли ўқув фаолиятининг асоси. Мустақил таълим олиш ва уни бошқариш. Ўқув - тарбиявий жараёни назорати.

Олий таълим тизимида маркетинг

Маркетинг тизимида башорат. Мутахассисларга талабни башорат қилиш тизими. Башоратлаш ва режалаштиришнинг вазифалари. Башоратлаш функциялари. Олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёжни башоратлашнинг асоси. Мутахассисларга бўлган талабни ривожлантириш иқтисодий икки асосий тармоғи: материал ишлаб чиқариш ва социал соҳалари турли хил қонуниятларга асосланади. Мутахассисларга бўлган талабни, башоратлаш ва таркибий силжитиш асосида амалга оширилиши. Техник иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариш тенденцияси асосида башоратлаш. Башоратлаш моделининг асосий блоклари: иқтисодий ҳолатни баҳолаш, иқтисодий ривожлантиришнинг кутилаётган дастури, инвестициялар ҳажмини кутилиши, ҳар хил категориядаги ишчилар бандлик динамикаси, кутилаётган ишчилар сони, бўшатишган ишчилар таркиби.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

“Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти” фани бўйича кўргазмали амалий ўқув материаллари:

- - Олий таълим таркиби ва бошқаруви тизими;
- - бошқарув тамойиллари ва механизми;

- - ўқув тарбиявий жараёни ўзини - ўзи назорат қилиш бошқарувнинг механизми сифатида;
- - Олий таълим тизимини молиялаштириш босқичлари;
- - Олий таълим тизимида маркетинг жараёни.

Слайдлар рўйхати

- - Шахснинг ижтимоий психологик сифати фаолияти;
- - Педагогик йўналиш ва раҳбарлик жараёни;
- - Ўқув муассасаларнинг аттестацияси ва аккредитацияси.

Ахборот манбалари рўйхати.

Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан олий таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида чиқарилган қарорлар, буйруқлар ва маълумотлар.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

«Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти» фанидан назорат қилиш турлари қуйидагича:

- - фан учун белгиланган максимал балл - 40 балл
- - фан учун саралаш бали - 22 балл
- - шу жумладан, жорий баҳолаш - 14 балл; оралик баҳолаш - 14 балл; якуний баҳолаш - 12 балл.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига ҳос йўли - Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

9. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
11. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
12. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
14. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10, - Т.: Ўзбекистон, 2001.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. - Т., 1997.
16. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т., 1997.
17. “Бюджет тизими тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни”. - Т., 9 октябр, 1999 йил.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислохлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар. 1 - қисм. - Т., 1998.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислохлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар. 2 - қисм. - Т., 1998.
20. Указ Президента Республики Узбекистан «О коренном реформировании системы образования и подготовки кадров, воспитании современного поколения» - от 6 октября 1997 г.
21. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан 5 от 5 января 1998 г. О разработке и введении государственных образовательных стандартов для системы непрерывного образования.
22. Постановление Кабинетов Министров Республики Узбекистан 48 от 28 января 1998 г. О мерах по ускорению формирования рынка образовательных услуг и маркетинга в сфере подготовке кадров.
23. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан 109 от 11 марта 1998 г. Об создании в составе государственного центра тестирования Управления по контролю за качеством подготовке кадров, аттестации педагогических кадров и образовательных учреждений.
24. Нормативные документы по реформированию системы повышения квалификации и переподготовки кадров в Республики Узбекистан и перспективные планы, намеченные на 1999 - 2005 годы. Часть 1. - Т., 1999.

25. Ахлиддинов Р.Ш. и др. Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиск, решения. - Т. Ес - ТАСИС. 1999 г.
26. Батденко В.И. Стандарты в непрерывном образовании: Концептуальные, теоретические и методические проблемы. - М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. 1999.
27. Гуляметдинов С.З., Перегудов Л.В. Научно - методические основы обеспечения качества и конкурентоспособности кадров. Таълим муаммоалари, ўз, 1998.
28. Шепель В.М. Человекаведческая компетентность менеджера. Управленческая антропология. - М.: Народное образование. 1999.
29. Перегудов Л.В. О планировании, организациями и учебно - методическом обеспечении рейтинговой системы контроля знаний, умений и навыков студентов. Таълим муаммолари, 1998 йил 5 - сон.
30. Перегудов Л.В. Модель современного преподавателя и ее обеспечение. Таълим муаммолари. 1999 йил 1 - 2 - сонлар.

Кўшимча адабиётлар:

1. Олдрайд Д., Ахлиддинов Р.Ш., Ходжаев А., Жиянходжаев К. Методика решения проблем управления образованием. - Т.: ЕС - ТАСИС. 1999.
2. Саидов М.Х. Особенности формирования профессионального образования в Республике Узбекистан. Международная Конференция студентов и аспирантов. - Ломоносово: 2000.
3. Саидов М.Х. Таълим кредити: механизми, хусусияти ва амалиёти. Таълим муаммолари. 2000 йил 2 - сон.
4. Саидов М.Х. Формирование бюджета вуза по источникам финансирования. Экологический вестник Узбекистана. 11 - 12. 2000.
5. Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика СПб. Питер, 2000.
6. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. - Т.: Фан. 2000.
7. Подгоовка Кадров для рыночной экономики: планы, программы, технологии. - М.: Академия менеджмента и рынка. 2000.
8. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Менеджмент и экономика высшего образования. - Т.: Молия, 2001.
9. Шарифхўжаев М., Абдуллаев к. Менежмент. Даслик. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
10. Фуломов С.С. Менежмент асослари. - Т.: Ўқитувчи. 2002.